

INSON VA QONUN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 29 март • сешанба № 12 (1008)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz



✓ **Ҳамкорлик**

Ўзбекистон ва ШХТ

тараққиёт йўлида ҳамжиҳатлик, хавфсизлик ва барқарорлик



1991 йилнинг 31 августи — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги расман эълон қилинган кун мамлакатимиз учун улкан тарихий воқеа унинг суверен ривожланиш даврини бошлаб, ташқи дунё билан алоқа эшикларини очиб берди. Бу эса Ўзбекистоннинг қудратли салоҳиятини намойиш этиш ҳамда унинг чексиз имкониятлари истиқболлини эътироф этишига асос бўлди.

Инсониятнинг XXI асрга кириб келиши ҳозирги глобаллашадан дунёнинг янги таҳдидларига биргаликда қарши курашиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик қилиш учун давлатлараро тузилмалар — халқаро ташкилотларнинг тобора катта аҳамияти касб этаётганлигидан ва халқаро муносабатларнинг таъсирчан омилга айланаётганлигидан далолат беради. Маълумки, ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро муносабатларга қиршилади. Ўзбекистон ШХТга аъзо бўлган даврдан буён бу ташкилотни минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш,

кўптомонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган воқелик эканлигини англаган ҳолда фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда.

ШХТ иштирокчи давлатларига Евросиёнинг 60 фоиз ҳудуди тўғри келади. Унда ер қуррасининг 25 фоиз аҳолиси яшайди, жаҳон ялпи ички маҳсулоти улушининг эса камидан тўртдан бири қисмини ташкил этади. Ҳозирга келиб, ШХТ йирик минтақавий ташкилот ҳисобланиб, унинг фаолияти дунё ва минтақавий жараёнларга таъсир ўтказиш қобилиятига эга. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, тарих ўлчовларида қисқа муддат ичида 2001 йилда шакллан-

ган ШХТ бугунги кунга келиб ҳозирги замон геосиёсатининг таъсирчан халқаро тузилмасига айланди.

Мазкур ташкилотнинг мақсади иштирокчи давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорликни рағбатлантириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда янги демократик, адолатли ва рационал халқаро тартибнинг ўзаро саяё-ҳаракатларини фойдалайди.

2001 йил июнда Шанхайда бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон янги ташкилот — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсирчанлигини бири бўлди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли ривожланишига оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Саммит доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг

ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги Декларацияда ҳамда Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция БМТда расмий ҳужжатлар сифатида тарқатилди. Жумладан, мазкур Конвенцияга мувофиқ ШХТ аъзолари ушбу жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш борасида ўзаро ҳаракатларни амалга оширишлари ва улар билан курашиш соҳасида ўзларининг келишилган позицияларини мувофиқлаштириб, маслаҳатлар ҳамда маълумотлар билан алмашиб боришда ўзаро ҳаракатларни таъминлашлари қайд этилди.

2004 йил 17 июнда бўлиб ўтган давлат раҳбарларининг Тошкентдаги саммити ШХТ ривожланишининг кейинги муҳим босқичи саналади. Ушбу йиғилишда ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли ривожланишига оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммит доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг

доимий фаолият кўрсатувчи органи — Минтақавий ахсилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг очилгани ШХТ фаолиятидаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Унинг зиммасига ахборот алмашиш, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш, терроризм, экстремизм ва айирмачиликка, гиёҳванд моддалар ва курол-яроғ контрабандасига, оммавий қиргин куроллари тарқалишига қарши биргаликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш каби вазифалар юкланди.

Шунингдек, ўша пайтдаги Тошкент саммитида Ташкилотнинг ички тузилишини шакллантириш ҳам асосан яқунланди. Жумладан, 2004 йилдан бошлаб Пекинда ШХТ Котибияти фаолият юритиб келимоқда. Ўзаро доимий фаолият кўрсатадиган муҳим механизм яратилди — ШХТга аъзо давлатлар хавфсизлик

Кенгашлари котибларининг мунтазам равишдаги учрашувлари ўтказилмоқда. Мазкур давлатлар махсус идораларининг курол-аслаҳа, портловчи, захарловчи, ядро ва радиоактив моддаларнинг ноқонуний алмасиши билан боғлиқ кураш соҳасидаги ҳамкорлиги шаклланди. Тошкентдаги йиғилишда ШХТ ҳузуридаги кузатувчилар тўғрисидаги Низом ҳам қабул қилинди.

2005 йилнинг июлида Қозоғистон пойтахти Остонада бўлиб ўтган форумда ШХТга аъзо давлатларнинг фавақулда ҳолатларни бар-тараф этишда ўзаро ёрдам кўрсатиш, биргаликдаги аксилтеррор тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

2006 йилнинг июлида Шанхайда бўлиб ўтган йиғилиш ташкилотнинг ташкил топганига беш йил тўлишига бағишланди. Унда ШХТга аъзо иштирокчи давлат раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлик

Ҳуқуқий тарғибот: жамият ривожининг муҳим мезонидир

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятларида "Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларнинг услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш" мавзусида туркум семинарлар ўтказилмоқда.

Тошкент давлат юридик университетининг муҳташам залида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва суд идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, корхона ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот соҳасига масъул мутахассислари жамландилар.

Маълумки, 1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" миллий дастури қабул қилинди. Дастурда белгиланганидек, юсак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. Жамиятдаги турли хил жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига қўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда хавфсизлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини марказлашган ҳолда режалаштириш, ягона тизимга солиш, ҳисоботларини эшитиш ва тегишли тавсиялар бериш юзасидан Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилгани самарадорликни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда давлат бошқаруви органлари масъул ходимларининг бу борадаги фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш, жамият аъзоларининг ислохотларнинг қонуний асослари билан яқиндан таништириш, уларни зарур ахборот ва адабиётлар билан таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда замонавий ахборот коммуникация технологиялари, турли интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш хусусида мулоҳаза юритилди. Мунозараларда сўзга чиққанлар томонидан ҳуқуқий тарғиботнинг таъсирчан усулларини амалиётга жорий этиш тўғрисида таклифлар ўртага ташланди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

ШУ сонга хабар!



Адлия бошқармаси янги бинода

АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ва муассасаларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича қабул қилинган дастурлар асосида тизимда кўплаб замонавий бинолар барпо этилмоқда.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг янги қурилган биноси ана шундай замонавий, қулай ва кўркам иншоотлардан бири бўлди. Ушбу янги бинонинг очилиш маросимида вилоят ҳокими, давлат бошқаруви ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошлиқлари, адлия органлари фахрийлари ва ходимлари иштирок этишди. Унда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда адлия органлари фаолияти ўзига хос ўрин тутиши, ушбу янги бинода фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ходимларга барча зарур шароитлар яратилганлиги қайд этилди.

Замонавий ҳамда миллий архитектура уйғунлигида қад ростлаган кўркам янги бино Гулистон шаҳри аҳолисига баҳор, яшарлиш ва янгиликни рамзи — Наврўз байрамига муносиб совға бўлиб, Гулистоннинг ўз номига монанд шарҳга айланишига муносиб ҳисса қўшди.

Бошқарманиннг янги биноси тегишли анжомлар, алоқа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Ўз навбатида, бино атрофи ободонлаштирилиб, манзарали дарахт кўчатлари ва гуллар ўтказилди.

Янги бино соҳа вакиллари вилоятда қонунийликни таъминлаш, аҳолига сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда, яратилган қулай шароитлардан руҳланиб, янада куч-ғайрат ва шижоат билан ишлашга ундайди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

✓ Таассурот

Тафаккур ва табиатдаги уйғониш уйғунлиги йўл репортажи



КўКЛАМНИНГ илк кунларидан бири... Сафарим қариб, қуёшнинг тафти нурларидан баҳраманд бўлаётган Қашқадарёдан пойтахтга йўл олдим. Табиатнинг беҳисоб рўшнолигидан дашту далаларга, қир-адирларга жон кирган. Қўм-қўк майсалар заминга зеб бериб, дорахтлар гуллаган. Хуллас, табиатдаги ажиб бир уйғониш они...

3

Қонун доирасида

Тадбиркорга тўсиқ жавобгарликка сабаб бўлади

ТАДБИРКОРЛИК фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсиқлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансубдор шахслари жавобгарлигини ошириш керак бўлса, жинсий жавобгарликка тортиш хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда маъмурий ва жинсий қонунчиликнинг либераллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шундай бўлса-да, ханузгача лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари давом этиб келмоқда.

Хусусан, Адлия вазирлигининг топшириқ хатлари ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг январь ойида Қарши туман Бешкент телекоммуникациялар боғламасида 2015 йил июнь ва 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга техник шарт берилишининг аҳоли ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Бешкент телекоммуникациялар боғламаси ходими З.Ачиллов томонидан тадбиркор Н.Ҳазратқулловнинг Сўтқи қайта ишлаш цехи биносини қуриш учун техник шарт беришни сўраб қилган мурожаати тўғридан-тўғри қабул қилинган.

Ваҳоланки, Н.Ҳазратқулловнинг аризаси тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатувчи ягона марказ орқали расмийлаштирилиши лозим эди.

Бу каби қонунбузилиш ҳолатлари тадбиркорлар А.Қамолнинг "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси", Ш.Ибодовнинг "Дорихона ва тиш даволаш шифохонаси", М.Маманазаровнинг "Савдо мажмуаси", А.Ҳошимовнинг "Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси" каби биноларини қуриш учун техник шарт беришни сўраб ёзган мурожаатларини қўриб чиқишда ҳам такрорланган.

Шунга қўра, ўтказилган ўрганиш жараёнида вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Қарши туман судига юборилди.

Суд қарорига асосан, Бешкент телекоммуникациялар боғламаси масъул ходими Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241⁵-моддаси билан айбдор деб топилиб, маъмурий жаримага тортилди.

Сафар ТОҒАЕВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи биринчи ўринбосари

Ўзбекистон ва ШХТ тараққиёт йўлида ҳамжихатлик, хавфсизлик ва барқарорлик

(Давоми. Боши биринчи бетда)

соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида Баёнот қабул қилинди. Бундан ташқари, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2007-2009 йилларга мўлжалланган терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик Дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарор ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ШХТнинг Қоссидаги Екатеринбург шаҳрида (2009 йил) бўлиб ўтган саммитида ташкилотнинг минтақамиздаги яқин истиқболдаги фаолиятига оид муҳим ташаббуслар билан чиқди. Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳозирги замон таҳдидларининг янги авлоди — терроризм, экстремизм ва наркоагрессия билан курашни устувор мақсад этиб қараётган биринчи ташкилот сифатида эътироф этди. Саммит якунида ШХТнинг Екатеринбург декларацияси, терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШХТга раислик қилиш Ўзбекистон Республикасига ўтди.

2010 йилда Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб масалалар, ШХТнинг истиқболли ривожланишига оид тақлиф ва муҳим қарорлар қабул қилинди.

Россиянинг Уфа шаҳрида 2015 йилдаги мажлисида мамлакатимиз раҳбари шиддат билан ўзгартириб бораётган ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини ҳал этишда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда ШХТнинг таъсири ва нуфузи ошиб бораётганлиги ҳамда ташкилот сафига кириш истагини билдирган давлатлар сафи кенгаётганлигини яна бир бор қайд этиб ўтди. Бунда ташкилотнинг фаолияти бошқа давлатларга қарши йўналтирилмаганини таъминлашга қатъий амал қилиш, уни мустақамлаш зарурлиги, яъни, ташкилотнинг ҳарбий-сиёсий альянсга айлантирмаслик, унинг мақсад ва принципларига содиқ қолиш ва мустақамлаш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташкилотнинг мазкур йиғилишида яна бир бор Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмағлигини, унинг ягона йўли доно мамлакатларнинг молиявий-иқтисодий ва гуманитар кўмағида ва бевосита БМТнинг фаол иштирокида фақат тинч сиёсий музокаралар ўтказиш, қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро қелишувга эришиш эканини қайд этди. Бу борада Ўзбекистон яхши қўшничилик аъналарига хос Афғонистонга мунтазам ёрдам бериб келмоқда, жумладан, транспорт коммуникацияларини барпо этиш, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаларини амалга оширмоқда, инсонпарварлик ёрдамини етказиб бермоқда.

Саммит якунида Уфа декларацияси, ШХТни 2025 йилгача ривожлантириш стратегияси ва 2016-2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинди. ШХТга раислик қилиш (2016 йилда) Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи марта раислик қилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 21 январдаги "Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги доирасидаги бошқа тадбирларга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда ушбу йилги анжумани юқори савияда ўтказиш учун изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Эндиликда ШХТ дунёнинг энг нуфузли ва жаҳонда кечаётган жараёнларга таъсирчан алгоритмлар ўтказиш қобилиятига эга ташкилотларнинг бирига айланди. Шубҳасиз, ШХТ унга аъзо давлатларга дунёнинг турли минтақалари билан иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция учун янги имкониятларни очиб беради, халқаро хавфсизликни мустақамлашга хизмат қилади.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, юридик фанлар доктори

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда аънамага мувофиқ 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинди.

2016 йилга бундай ном берилиши бежиз эмас, албатта. Янги йилга муайян ном беришдан асосий мақсад маълум бир соҳага барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва жамоатчилик эътиборини қаратиш, уларнинг куч ва имкониятларини сафарбар этишдан иборатдир. "Соғлом она ва бола йили"нинг асосий мақсади ҳам айнан жисмоний соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол ёш авлодни воёга етказиш борасидаги вазифаларни амалга оширишда жамият ва давлатимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этишга қаратилган.

Юртимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб жисмоний ва маънавий етук ёш авлодни шакллантириш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида қараб келинмоқда.

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунилари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда юртимизда ҳар 100 минг нафар чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 дан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага қамайди. Энг муҳими, ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Умуман, юртимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялли ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этади. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қариб 2 баробар кўндр.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим ва кучли омил бўлиб келмоқда. Чунки спорт — бу аввало, соғлом авлод, соғлом келажақ дегани. Бинобарин, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Бу борада Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги Фармони билан Ўз-

Жараён

Фарзандларимиз — кўз қорачиқларимиз улар бизнинг бахтимиз, қувончимиз ва эртаимиз



бекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилиб, унинг асосий вазифалари сифатида — болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга қўмаклашиш, аввало, қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжонлари билан жиҳозлаш белгиланди.

Хусусан, 2015 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 225 миллион сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт объекти, 12 та сувиш ҳавзаси, 174 та мактаб спорт зали фойдаланишга топширилди.

Яратилган замонавий шарт-шароитлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 57,2 фо-

зи, жумладан, қишлоқ жойларда 56 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

2015 йилда юртимиз ёшлари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда 860 дан ортиқ медалларни қўлга киритгани барчамизни қувонтиради.

Шу билан бирга, болалар ва ёшлар ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқ равишда такомиллаштириш, бу борада қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаларига ҳам эътибор берилмоқда.

кенг қўламли ишларни давом эттириш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича яратилган ўзига хос "миллий тизим"ни янада ривожлантириш имконини беради.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қўнчилик ва норматив-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, унда 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Умуман 2016 йилда Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган 90 га яқин тадбир учун жами 7483,3 миллиард сўм ва эквивалентда 194,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши адолия органлари зиммасига ҳам катта масъулият қўлайди.

Бинобарин, норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш давомида, биринчидан, "Соғлом она ва бола йили" давлат ва тармоқ дастурларида назарда тутилган тадбирлар ижросини тўлиқ таъминлаш; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва Давлат дастурида белгиланган янги қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш; учинчидан, никоҳга киришга шарт бўлган ҳолатда никоҳга киришга қадар мажбурий тиббий кўриқдан ўтишининг зарурлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш; тўртинчидан, оилаларда соғлом турмуш тарзини юритиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича тиббий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш муҳим вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи нафақат давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг вазифаси, балки келажақ олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ҳар бир оила, ота-она, қолаверса, ҳар бир шахснинг асосий ва доимий бурчидир...

Шерзод БАХРОНОВ, Жизжақ вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

Хушxabар

“Адолат” нашриётининг “Юридик адабиётлар” дўкони сизни кутади



АДЛИЯ вазирлигининг ҳуқуқий-маърифий тармоғи бўлган "Адолат" нашриёти республикамизда ҳуқуқий адабиётларни нашр этишга ихтисослаштирилган ягона нашриёт ҳисобланади. Адлия вазирлиги тизимининг маърифий тармоғи сифатида 1992 йилда ташкил этилган нашриёт аҳолининг ҳуқуқий билимларини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда.

"Адолат" нашриёти давлат қорхонаси салкам чорак асрлик давр мобайнида мамлакатимизда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлаш амалиётини ривожлантиришга

салмоқли ҳисса қўшиб, 700 дан ортиқ номдаги 8 миллиондан зиёд нусхадаги адабиётларни нашрдан чиқариб, аҳолига етказиб берди. Замонавий талабларга жавоб берадиган масканда иш бошлаган "Юридик адабиётлар" дўкони китоб жавонларидан нафақат ҳуқуқий мавзудаги нашрлар, балки республикамиздаги етакчи нашриётлар томонидан чоп этилган ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, бадиий, тарихий, илмий-маърифий китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бошқа турли мавзудадаги адабиётлар ҳам ўрин олган. Китоб дўконида қирган ха-

ридор ўқув қуроллари, канцелярия маҳсулотларини ҳам шу ернинг ўзидан харид қилиши мумкин. "Адолат" нашриёти ходимлари айна кунларда сифатли ва мазмун-моҳиятга кўра, халқимизнинг, ёшларимизнинг маънавиятини, ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этишни давом эттирмоқда. "Юридик адабиётлар" дўкони эса аҳолига ҳуқуқий маърифат улашиб, зиё тарқатишни мақсад қилган.

Хасан МАРДИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Савол-жавоб

— **КўШНИМГА** тегишли бўлган уйни сотиб олмакчиман. У билан қелишиб, уйнинг пулини бир қисмининг ҳозир, қолганини кейинчалик бўлиб-бўлиб тўламоқчиман. Бунинг нотариал тартибда ёзма расмийлаштиришни керакми? Ёзма шартномага "уйни сотиб олиш учун", — деб кўрсатилиши шартми? Агар кейинчалик бу юзасидан низо чикса, қандай ҳал этилади?

Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафининг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлавётган тараф бошқа тарафининг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги туфайли қўрган зарарини қўллаши шарт.

— **Саволга** Олмазор туман 8-сон давлат нотариал идораси нотариуси Умиджон АБДУВАХОБОВ жавоб берди.

Адлия аралашгач...

Шартнома шартли бажарилмади бу эса пеняга сабаб бўлди

АНДИЖОН ВИЛОЯТ адлия бошқармаси томонидан шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустақамлаш, тарафларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан бирга, шартномавий интизомни мустақамлаш ва мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича мониторинглар ҳам ўтказилмоқда.

Жумладан, 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида шартномавий муносабатлар бўйича вилоятдаги 12 та идора ва ташкилотларда 10 та назорат тадбири ўтказилди. Урганишлар давомида "Андижонпахтасаноат" ҳудудий бирлашмаси ва унинг тизимида 3421 та, пилла корхоналарида 1386 та, "Озиқ-овқат саноати корхоналари" уюшмасида 16 та, тижорат банкларида 3 та, жами 4826 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Хусусан, бошқарма ходимлари томонидан кўриб чиқилган пилла харид қилиш бўйича контрактация шартномаларида жами 689 та ҳолатда қонунбузилишга йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, бошқарма томонидан вилоят "Пилла" АЖга киритилган тақдирнома вилоят "Пилла" АЖ томонидан муҳофаза қилиниб, жамият раҳбарининг 2016 йил 5 мартдаги буйруғига асосан, 11 та туман пилла давлат қорхонаси раҳбарларига "хайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармасига ҳисобот даврида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид 31 та ариза ва 28 шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 21 таси кўриб чиқилди, шундан 11 таси қаноатлантирилган бўлса, 17 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди. Мазкур аризаларни кўриб чиқишда асосан шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки кеч бажариш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилиб, неустойка ундириш чоралари кўриб келинмоқда.

Масалан, январь ойида Хонобод шаҳрида жойлашган "Хикматулло" МЧЖ раҳбарининг АТ "Халқ банки" Марҳамат, Хўжаобод ва Асака туман филиаллари томонидан шартнома шартлари бажарилмаётганлигини норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, "Хикматулло" МЧЖ билан АТ "Халқ банк" Марҳамат, Хўжаобод ва Асака туман фи-

лиаллари ўртасида 2013 йил май-август ойларида пудрат шартномалари тузилган.

Ушбу пудрат шартномаларига асосан, давъогоар жавобгарнинг буюртмасига кўра, жавобгарга тегишли бўлган маъмурий биноларни лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган таъмирлаш ишларини бажариб бериш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 1.4-банди талабига кўра, давъогоарга ишларни бажариш мuddати жамиятнинг ҳисоб рақамига бўнак пул маблағи ўтказилган кундан бошлаб, 60 кунлик мuddатда бажариб бериш белгиланган.

Бироқ банклар томондан шартноманинг 3.3-банди талабига кўра, шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб, 3 банк иши кунда шартнома умумий суммасининг 30 фоизи миқдоридagi қисминини бўнак сифатида тўлаб беришига кўрсатилган бўлса-да, ушбу талаб бажарилмаган.

Шу сабабли, тарафлар ўртасида тузилган шартномага ва "Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" Қонун талабларига асосанланган, бошқарма томонидан кечикиб тўловни тўланганлиги сабабли, АТ "Халқ банк" Марҳамат, Хўжаобод ва Асака туман филиалларидан жами 90 миллион 299 минг сўм миқдорда неустойка (пеня) ундириш бўйича вилоят ҳўжалик судига давъо ариза киритилди.

Суд томонидан ушбу давъо ариза кўриб чиқилиб, ҳал қилув қарорига асосан "Хикматулло" МЧЖ фойдасига АТ "Халқ банк" Марҳамат филиалидан 6 миллион 104 минг сўм, Хўжаобод туман филиалидан 3 миллион сўм, Асака туман филиалидан 4 миллион 898 минг сўм миқдорда пеня ундириш белгиланди.

Фарҳод АШМАТОВ, Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Кредит ажратилди

КОНСТИТУЦИЯМИЗГА кўра, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини сиёсий ҳуқуқлар таркибига киритилган. Унинг 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда кўриб чиқилиши шарт", деб белгилаб қўйилган.

Шу боисдан ҳам фуқаролар у ёки бу муаммоларга дуч келганда ҳеч иккиланмасдан ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишмоқда.

Хусусан, Шофиркон туман "Истиклол" кўчаси 12-уйда яшовчи фуқаро З.Ражабова АТБ "Микрокредитбанк" Шофиркон филиали томонидан кредит ажратилмаётганлигидан норози бўлиб адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилиб, муаммонинг ечимини топти.

Адлия бошқармасининг аралашуви билан фуқаро З.Ражабовага 10.000.000 сўм миқдорда кредит ажратилиши таъминланди.

Бекзод ШАРИПОВ, Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Тафаккур ва табиатдаги уйғониш уйғунлиги

Йўл репортажи

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Тошкент — Термиз автомагистралнинг ёқасидаги Қамаш туманига қарашли Чим қишлоғидан ўтаётган қишлоқ одамлари Йўл боши қилишга аниқлигининг гувоҳи бўлди. Беш-олти чакирим ўтиб, Жонбўзсой қишлоғи келди. Қарангки, бу қишлоқ одамлари ҳам жамулжам бўлиб, катта-кичик барчаси тўпланиб Наврўзи олами нишонламоқда. Ёшлар "чиллак", "зувиллатар", "оқ теракми, кўк терак", "кес-кес", арқон тортиш мусобақаларини ўтказишмоқда.

Йўлдошлар билан халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, бирлиги, меҳр-оқибат кўрсатиб яшаш ҳақида суҳбатлашиб келдик. Узини деҳқонбодлик мактаб ўқитувчиси деб таништирган Неймат ака бизга — "бундай ҳамжиҳат, иннок, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган халқда, албатта, бароқ бўлади-да", дег гап бошлади. — Сизларга айтсам бирликда, ҳамжиҳатликда гап кўп йигитлар. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига да бу муҳим масалани ҳаётий ҳақиқатлар билан таҳлил этади. Асарда азал-азалдан ота-боболаримиз бир маҳалла, бир жамоада бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлиб яшаганликларини, давр қанчалик ўзгармасин, халқимиз мана шундай ўлмас қадриятларга содиқ қолиб келётганликларини, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси ҳаёт фалсафасига айланганлигини, маънавий илдиэларимиз мана шундай эзгуликлар билан суғорилганлигини келтириб ўтади.

— Ҳақиқатан ҳам Неймат домла диққатимизни халқимиз ҳаёт тарзининг моҳиятини белгилаб берадиган ниҳоятда жиддий масалага қаратади. — деди ана бир йўлдошимиз.

Минг йиллар давомида шаклланган ва бугунги кунда халқимиз тафаккур тарзининг ажралмас бир қисмига айланган меҳр-шафқат, оқибат, бир ёқдан бош чи-

қариб яшаш, меҳнат қилиш жамиятимиздаги тинчлик-осойишталикка, бунёдкорлик ишларига, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиздаги барқарор тараққиётга мустаҳкам асос бўлиб келмоқда.

Бугунги мураккаб замонда дунёга бир қур эътибор қилинг-а? Жаҳон ҳамжамияти деярли ҳар кун шифақатсиз муаммолар, синов ва машаққатларга, глобал молиявий-иқтисодий инқирозларга дуч келётган таҳликали ва мураккаб бир шароитда санокли давлатлар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти қариб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди.

Суҳбатимиз қизигандан қизиди:

— Сизларга айтсам, бугун дунёни ташвишга солаётган ана бир ўта муҳим масала бор, — деб давом этади Неймат домла. — Бу ҳам бўлса, инсониятнинг яшаш ва ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммосидир. Тан олиш керак бу жуда жиддий муаммо. Кун кеча радиодан олимларимиздан бирининг гапларини эшитдим. Олимнинг айтишича, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб оқватланмаётган, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёда тўланолми равишда оқват таъминлаш, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар тўғрисида 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекаётган экан. Бу гапларни эшитиб даҳшатга тушасиз. Радиони тинглаган эканман, бундан бир неча йил олдин Президентимизнинг "Шундай вақтлар бўлганки, бир ҳафта-ун кунлик унимиз қолган эди.



Бир тасаввур қилайлик, қайси давлат, қайси халқ бунга ўз бошидан ўтказган? Ана шундай муаммолар қаршида ёлғиз қолган пайтимида ким бизни кутқарди? Биринчи навбатда, ўзимиз. Чиддик, лекин ҳеч кимдан қарз бўлмадик. — деган таъкиди ёдимга тушди, — дея фикрини яқундади домла.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Ўзбекистон галла мустақиллигига эришди. Натижада биргина 2015 йилнинг ўзида 7 миллион 500 минг тоннадан ортиқ галла етиштирилди. Фермерларимиз бўғдиннинг гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олди, айрим илгор фермерларда эса бу кўрсаткич 60-70 центнерни ташкил этди. Галимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кетар экан, таъкидлаш

жоиз, мамлакатимизда озиқ-овқат билан бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, паррандачилик ҳамда балиқчилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Меҳнатқаш ва фидойи деҳқонларимиз томонидан ўтган 2015 йилда 12 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва картошка, қарийб 2 миллион тоннага яқин полиз маҳсулотлари, 1 ярим миллион тоннадан кўпроқ узум, 3 миллион тоннага яқин турли мевалар етиштирилди.

Шу зайддаги суҳбатларимиз билан Самарқанддаги Нуробод туманининг беполди кенгликларидagi Иброҳим ота қишлоғига етдик. Баланд тоғлар этагидида қишлоқ ҳам автомагистрал бўйида жойлашган. Бу қишлоқда ҳам худди шу гўзал

манзара. Қишлоқнинг ёшу қариси Наврўзи олами нишонлаётган экан.

Иброҳим ота қишлоғининг аъёналари билан яқиндан танишиш мақсадида ҳамроҳларимиз билан келишиб, тушишга қарор қилдик. Бизни қишлоқ оқсоқоли Раҳмонқул бобо ўзбекона самимият билан тўкин дастурхонга чорлади. Оқсоқол Ўзбекистонимиздаги тинчлик-хотиржамликка, тўкин-сочинликка шукрона айтиб, Яратгандан халққа, юртвага яхшилик сўраб дуо қилди. Сўрашдик... Бобо ҳақиқатан ҳам қишлоқнинг ганга енгар отахони экан.

Раҳмонқул бобо дастлаб Иброҳим ота қишлоғи тарихини гапириб берди. Қишлоқнинг тарихи ҳам, бугунги ҳам ҳава қиладиган даражада юксак экан.

— Юртбошимиз кўп бора ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак, деб таъкидлайдди. Бу бежиз эмас. Тинчлик ва хотиржамликнинг қадрига етиш керак. Ёшим саксон олтди. Урушнинг, нотинчликнинг нима эканлигини мен яхши биламан. Бошидан ўтказганман, — дейди Раҳмонқул бобо.

Минг афсуслик, бугун дунё бошидан нотинч ва таҳликали замонни ўтказаяпти. Хорижий мамлакатларда рўй бераётган воқеалар ҳар биримизни чуқур мулоҳазага чорлаши керак. Ким-кимни отиб ташлаган, хали бомба портлаган, ким кимни гаровга олган, ачинарлиси, бегуноҳ болалар Ватанини ташлаб бегона юртга жон сақлаш учун қочган. Даҳшатлиси, ўн гулдан бир гули ҳам очилмай туриб норасидалар беаҳвал ажалга дучор бўлишяпти.

Биз йўлда давом этдик. Суҳбатимиз ана Юртимизнинг мустақиллик йилларида тор маънода улкан бунёдкорлик майдонига айланган хусусида борди. Бу йўлда Қорақалпоғистон Республикасида Жанубий Корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил қони негрзида барпо этилган Устюрт газ-

кимё мажмуасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик қорхоналардан бири бўлди. Мажмуанинг ишга туширилиши йилга 83 минг тонна нобё полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради.

Хоразм вилоятида "Женерал моторс — Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида умумий қиймати қарийб 6 миллиард долларлик лойиҳа асосида "Шевроле Лабо" кичик юк машинаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда йилга фермерларимиз ва хусусий тадбиркорларимиз учун зарур бўлган 5 мингта ана шундай машина ишлаб чиқарилади.

Натижада, халқроқ миқёда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича — дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун Бирлашган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Суҳбатимиз айна шу қизғин нуқтага етганда пойтахтимизга кириб келдик. Бу маҳал Бобо қуёш уфққа ёнбошлаган, лекин шаҳри азимнинг қароғон ва кенг кўчалари худди кундуздагидай нурафон эди. Кунбўйи, йўлбўйи кўрганларимдан, ватандошларимдан эшитганларимдан хулоса қилдим. Бу юртдошларим тафаккурдаги ва юртим табиатидаги уйғониш уйғунлиги эди...

Арслон ЭШМУРОДОВ, журналист

Ҳуқуқий маслаҳатхона

— МАМЛАКАТИМИЗДА алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда жамоат жойларида истеъмол қилиниши учун жазо чоралари қучайтирилган, деб эшитдик. Шулар ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Т.ЭШМОНОВ, Иштихон тумани

— 2015 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, кодекс янги, 561-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, эндиликда кечки тақиқланган жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилган шахсга энг кам иш ҳақининг учдан бири қисми миқдорида жарима солинади. Қонунга мувофиқ, республикамизда 20 ёшга тўлмаган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш мумкин эмас. Чеклов нормалари баъзи ижтимоий соҳа объектига ҳам тааллуқлидир. Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқариш хавфи бўлган жойларда чеки тақиқланади. Масалан, поез вагонлари, сув кемалари, йўловчи автобуслари, шаҳар ичидаги

Саволга Иштихон туман ФХДЭ бўлими мудираси Шахло КЎЧҚОРОВА жавоб берди.

— ОИЛА қурмоқчи бўлган ёшлар аввал тиббий қўриқдан ўтишлари шартми? Буисз никоҳни қайд этиш мумкин эмасми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Н.ҚОДИРОВА, Янгийўл тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан, турмуш қуриш истагидаги ёшлар даставвал ФХДЭ идоралари томонидан берилган йўлланма асосида тиббий қўриқдан ўтишлари зарур.

Мазкур қарорга кўра, никоҳланувчи шахслар тиббий қўриқнинг бешта йўналиши, яъни рўхий, наркологи, захм, сил, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича текширишдан ўтиши шартлиги белгиланган.

Оила кодексининг 17-моддасида эса никоҳланувчи шахсларнинг давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий қўриқдан ўтишлари кўрсатилган.

Шу кодекснинг 16-моддасида эса никоҳланувчиларнинг локал биттаси руҳий бузилиши, яъни рўхий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса улар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Саволга Янгийўл туман 1-сон ФХДЭ бўлими мудираси Юлдуз РОҲАТОВА жавоб берди.

— МЕН Сурхондарёда, тоғаларим эса Тошкентда яшайди. Тоғам тураржойининг бирини менга совға қилмоқчи ва бу ишни яқин кунларда амалга оширмоқчи эди.

Лекин тоғам шу орада тўсатдан кексаллик ва касаллиги тўғрисида оламдан ўтиб қолди. У ниятини қариндошларига маълум қилган эди. Бу қонуний тус беришга асос бўла оладими?

С.ЯРАШЕВ, Мирзо Улуғбек тумани

— Фуқаролик кодексининг 504-моддасига мувофиқ, ҳада қилиш, айна пайтда ҳадаюни ҳада олувчига топшириш озган тарзда амалга оширилиши мумкин... Аммо бу фақат кўчар мулк ҳадасига тегишли.

Кўчмас мулкни ҳада қилиш шартномаси эса нотариал тасдиқлашни ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 225-моддаси 2-қисмида шундай белгиланган:

"Биргалиқдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади. Мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади.

Мазкур кодекснинг 502-моддасида қайд этилишича, "Ҳадаюни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топшириши назарда тутилган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадаюни нисбатан ушбу кодекснинг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Фуқаролик кодексининг 510-моддасига кўра, "...агар ҳада шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳада шартномасига мувофиқ, ҳада беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари — унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади".

Саволга Мирзо Улуғбек туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Гўлчехра ҚўЛДОШЕВА жавоб берди.

ЭЪЛОН ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

Тошкент юридик коллежининг Амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига ТАКРОРАН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутхассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

- Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**
1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
 2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусخаси;
 3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
 4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
 5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
 6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давоминда қабул қилинади. Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Тошкент юридик коллежининг Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозимига ТАКРОРАН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутхассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

- Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**
1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
 2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
 3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
 4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
 5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
 6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давоминда қабул қилинади. Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй, Адлия вазирлиги биноси. Тел. 233-50-17.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Жиззах вилояти
Жиззах шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти
Наманган шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Тахтақўپر туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти
Миришкор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Меҳнат дафтрасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий ҳориқ маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Оқибат иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсиянома;
7. Тавсиянома билан илтимоснинг топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака илтимосини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишлаган талабгорлар эса малака илтимосини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма).

Танловда йўлдан бештадан кўпроқ бўлмаган, олий ҳориқ маълумотга, юқори малакасини бунча қандаш уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу ҳудуддан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака илтимосини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2016 йил 28 апрель) Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади.

Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 15.02.2016 йилдаги 53-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ADOLAT-RAHMON" адвокатлик фирмаси адвокати Сувонов Мансур Абдулхамидовичга бошқарма томонидан 14.03.2012 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси таъин этилиши ҳақида вужуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 15.02.2016 йилдаги 54-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "CONFIDENCE MAX" адвокатлик фирмаси адвокати Хамдуллоев Хамдулло Сайиднинг бошқарма томонидан 12.05.2014 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси таъин этилиши ҳақида вужуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 15.02.2016 йилдаги 56-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ALEKSTAS YURE" адвокатлик фирмасининг адвокати Тухташов Зафар Абдиқовилевич адвокатлик фаолияти билан бирга олий бори бўлмайдиган доимий лавозимга тайинлангани сабабли адвокатлик мақоми амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 131-моддасига биноан мажбур иш давригача тўхтатилади.

Малака комиссиясининг 25.02.2016 йилдаги 2-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 01.03.2016 йилдаги 70-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Меъниев Ойбек Абдулқодировичга бошқарма томонидан 22.09.2011 йилда берилган ТН-001462 сонли адвокат мақоми олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 04.10.2011 йилда берилган 2006-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳақида адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Малака комиссиясининг 25.02.2016 йилдаги 2-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 01.03.2016 йилдаги 70-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан "AL-OLJI HUKUMATI" адвокатлик фирмаси адвокати Абдуваҳидов Шайхмуҳаммадовичга бошқарма томонидан 25.05.2015 йилда берилган ТН-001912 сонли адвокат мақоми олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 28.08.2015 йилда берилган 3469-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳақида адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 мартдаги 87-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "TENGUKI NURI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Гисоева Зейноб Зойирова адвокатлик мақоми тўхтатиб турилган 3 ой давоминда адвокатлик фаолиятиги қиришгани сабабли унинг юзаси бошқарма томонидан 2013 йил 4 июнда берилган SA 000417-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 мартдаги 93-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "TENGUKI NURI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Исқов Мамароф Разақович номига бошқарма томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000239-сонли ва Мирзаев Кудлош Данабекович номига бошқарма томонидан 2009 йил 5 июнда берилган SA 000180-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларинг амал қилиши ва уларнинг адвокатлик мақоми 1 ой муддатга тўхтатилади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Шарофова Қомила Мустафонова 2016 йил 18 февралда Денос туманидаги "Denov oilat maskani" адвокатлик фирмасида адвокат вазифасига ишга қабул қилинганлиги муносабати билан бошқарма томонидан 2016 йил 11 мартдаги 52-ум-сонли буйруғи билан унга адвокатлик мақоми ва 237-сонли гувоҳнома берилганлиги маълум қилинади.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 мартдаги 57-ум-сонли буйруғига асосан бошқармадан 2010 йил 5 апрелда KS 000131-сонли рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган адвокат Самандаров Урал Якубович Қарши шаҳар "Химос сўзи" адвокатлар ҳайъатидан ишдан бўшатилиши сабабли унинг адвокатлик мақоми бошқа адвокатлик тузилмаси таъин этилиши ҳақида вужуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар тўхтатилади.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 февралдаги буйруғига асосан Муборак туманидаги "Қонуни қимончи" адвокатлик бюроси адвокати Ниязов Маманкул Рақоматовичга бошқарма томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000055-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 42-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳақида адвокатлик мақоми 3 ой муддатга тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига асосан "UNIT SAWABI" адвокатлик бюроси адвокати Утевиров Абдулқодир Абдулқодировичга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 11 февралда берилган QR №00113-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши вазирлигининг 2016 йил 1 мартдаги 59-ум-сонли буйруғи билан тўхтатилади.



Тадбиркорлик ривожини

Реклама ўрнида

фаровонлик пойдевори

ЮРТИМИЗДА олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотларнинг муҳим қисми бу — мамлакат иқтисодий ривожлантиришда асосий куч саналмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий, молиявий қўллаб-қувватлаш ва шу орқали юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳисобланади. Чунки ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юрт фаровонлиги, раванглиги йўлидаги ҳиссаси, салмоғи кун сайин ошиб бормоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада катта имкониятларни яратди.

"Асака" банк Сирғали филиали ҳам миқозларга, хусусан, кичик бизнес субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида турли замонавий, инновацион банк хизматларини кўрсатмоқда. Бу қулайликлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорликка кириб келаётган ёшлар, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг имконият ашиқларини очиб, энг аввало, импорт ўрнини босувчи ва экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминламоқда.

Банк филиалининг кредит портфели ҳажми 2016 йил 1 январь ҳолатига 133,8 миллиард сўмдан ошди. Кредит қўйилmalarининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Ўтган йилда "Асака" банк Сирғали филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 90,1 миллиард сўмлик кредит маблағларини йўналтирди. Бу маблағлар Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий турмушини юксалтиришга хизмат қилиши, қолаверса, мамлакат куч-қудратини оширишга муносиб улш бўлиб қўшилиш баробарида ушбу сармоялар эвазига қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 19,8 миллиард сўм ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 4,7 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада, маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш жабҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди.

Шунингдек, банк филиали томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,4 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2,7 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Филиал томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 120,0 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, "Асака" банк Сирғали филиали томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, банк қўмағида аҳолининг тадбиркорлик қобилияти шаклланиб, кичик бизнес вакиллари иқтисодий таъминоти ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун хизмат қилиш эса банк жамоасининг доимий эътиборида турибди.

Эркин ХОДЖИБАЕВ, "FAYZ FOUNDATION" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:
— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг биз тадбиркорларга иш фаолиятимизни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кат-



та имкониятлар яратилди. Мустақиллик йилларида мен тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим ва катта муваффақиятларга эришдим. Тадбиркорликда эришган муваффақиятларимга, албатта, "Асака" банк жамоасининг ёрдамини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Корхонамиз кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида молиявий қўмақ сўраб "Асака" банкнинг Сирғали филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда қўриб чиқиб, ижобий ҳал этиб бердилар. "Асака" банкнинг молиявий қўмағида лизинг асосида замонавий, кам электр энергияси сарфлайдиган, юқори унумдор ускуналар олдик. Бу эса корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтиришга ва ички бозорни юқори сифатли қандалат маҳсулотлари билан таъминлашга имкон яратди. Корхонамиз маҳсулотларига бугунги кунда қўшни давлат-

лардан ҳам буюртмалар кўпайиб бормоқда. Банк кредити натижасида 40 та янги иш ўрни яратилиб, бунда асосан, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлар меҳнат қилмоқдалар.

Келгусида корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ҳамда республикамиз экспорт салоҳиятини янада оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунда бизни, албатта, "Асака" банк қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Равшан ТОЛИПОВ, "Toshkent Rizq Baraka" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Республикаимизда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари учун чексиз имкониятлар яратилмоқда. Иқтисодий таъминотнинг бир мейрада ўсиб, мамлакатимиз бозорлари турли маҳсулотлар ва хизматлар билан бой, аҳолиимизнинг турмуш-

фаровонлиги кундан-кунга ошиб бораётганлиги бунинг яққол исботидир. Ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорларга маҳсулотлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ниҳоятда кучли рақобатни кузатишимиз мумкин. Айниқса, жадал суръатларда ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатимиз иқтисодий таъминотининг негизига айланиб бормоқда.

Биз ҳам мазкур соҳа орқали фаолият юритиб, иқтисодий таъминот ривожига қўмаклашиш, аҳоли ва ишбилармонларнинг шу соҳадаги эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида "Toshkent Rizq Baraka" МЧЖни ташкил этдик. Ҳисоб рақамимизни "Асака" банкнинг Сирғали филиалида очиб, фаолиятимизни йўлга қўйдик. Корхонамиз ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланамиз.

Корхонамиз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бизнес-режа туздик. Бизнес-режани амалга ошириш учун "Асака" банкига му-

рожаат этдик. Банк томонидан бизнес-режамиз истиқболли деб топилиб, қисқа муддатда корхонамизга кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилинди.

Банкдан олинган кредит ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баравар оширишга эришдик. Шу билан бирга янги лойиҳамиз натижасида 5 та янги иш ўрни яратилиб, шунча касб-хунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланди.

Ҳозирги кунда корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлиги ва бозорбоп нархларда сотилаётганлиги сабабли харидорлар кундан-кун ошиб бормоқда.

Биз "Асака" банкда ҳисоб рақам очиб янгилимаганимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик ва "Асака" банк хизматларидан миннатдоримиз.

Санжор ҲАСАНОВ, "DIYORA FAYZ GULSHANI" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, халқимиз дастурхонини арзон қўш ва сўт маҳсулотлари билан тўлдиришни мақсад қилдик. Мақсадимизни амалга ошириш учун "Асака" банкга мурожаат этдик. Банк мутахассислари биз тақдим этган бизнес-режани қўриб чиқиб, қисқа муддатда кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилди. Банк томонидан ажратилган кредит ҳисобига 93 бош қорамол олдик. Ҳозирги пайтда ҳўжалигимиздаги қорамоллар сони 120 бошга етди. Шунингдек, банк кредити натижасида 8 та янги иш ўрни яратилди.

"Асака" банк жамоасининг молиявий хизматидан, миқозларга самимий муносабати ва бегараз маслаҳатларидан миннатдоримиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўйбга чиқариш ниятидамиз.

(Ўз мухбиримиз)

Хизматлар лицензияланган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон автомобилсозлари эришган улкан ютуқларни корхонамиз мисолида ҳам аниқ-равшан кўрасиз. Акциядорлик жамияти мақомида фаолият кўрсатаётган корхонамиз ўтган йиллар мобайнида воҳа автомобиль бозорида етакчи ўринга кўтарилади.

Транспорт воситаларига юқори савияда, намунали сервис ва техник хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий устахона мажмуаси, жойларда эса кўплаб шохобчалар вужудга келтирилади.

Жамоамиз миқозларга ўзининг намунали хизматини тақлиф қилар экан, ўз навбатида, мамлакатимиз автомобилсозлари, қолаверса, барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади. Эзгу тилақларга йўғрилган байрам қутловларимиз сизга азизлар!

"ХОРАЗМ АВТОТЕХНИЗМАТ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Реклама

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС: ҲУБЕКСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЙ ВАЗИРАТИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январь
Ўзбекистон
Мабурут ва оқибот
санаида
0081-ранда билан
руйхати санади

Бош муҳаррир
Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Анвар Акрамович
Очилов Алжон Муҳаммадович
Маммадалиев Зайноддин Очилов
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ербек ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВА

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Илқак йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31
Обуно бўлими: 268-19-97
Билан келтирилган нархда
1 2 3 4 5